

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРЗАБАЕВ ГАЙРАТ ЭРКИНОВИЧ

**СЕМИЗЛИК ФОНИДА ЎТКИР КАЛЬКУЛЁЗ ХОЛЕЦИСТИТДА
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Мирзабаев Гайрат Эркинович

Семизлик фонида ўткир калькулёз холециститда жарроҳлик
тактикасини оптималлаштириш..... 3

Мирзабаев Гайрат Эркинович

Оптимизация хирургической тактики при остром калькулезном
холецистите на фоне ожирения..... 28

Mirzabayev Gayrat Erkinovich

Optimization of surgical tactics for acute calculous cholecystitis against
the background of obesity..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРЗАБАЕВ ГАЙРАТ ЭРКИНОВИЧ

**СЕМИЗЛИК ФОНИДА ЎТКИР КАЛЬКУЛЁЗ ХОЛЕЦИСТИТДА
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Tib3216 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимов Дилшодбек Мамадалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акбаров Миршавкат Миралимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Оразалиев Гафур Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўт-тош касаллиги (ЎТК) энг тарқалган ва кўп учрайдиган касалликлардан бири бўлиб, беморларнинг хаёт сифатини пасайиши, хаёт учун ҳавф солувчи турли асоратларнинг ривожланиши, оператив аралашувлар частотасини ортиши билан кечади, бу эса соғлиқни сақлаш тизимида жиддий молиявий юкламага олиб келади¹. Охириги йилларда ўтказилган статистик тадқиқотлар маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 10-15 фоизи ЎТК га чалинган бўлиб, ушбу касаллик юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабетдан кейин, касалликларнинг умумий тузилмасида учинчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда бутун дунёда семизликка чалинган инсонлар сонининг ортиши тенденцияси кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ХХ асрнинг охирига келиб, сайёрамиз аҳолисининг қарийб 30 фоизи, яъни, 1,7 млрд. нафари ортиқча тана вазнига эга бўлган. Буни устига семизлик муаммоси кам ўрганилган деб ҳисобланади, ҳамда, жиддий иқтисодий оқибатларга олиб келадиган давлат муаммоси сифатида тўлиқ даражада англолмайди. Семизлик фониди ўт пуфагининг (ЎП) сурункали касалликлари вужудга келадиган беморлар мутлақо алоҳида гуруҳни ташкил қилади. «Даволаш натижаларининг сезиларли яхшиланишига қарамай, ўткир холецистит бўйича шошилишч ташриҳлардан кейинги ўлим сони, режали оператив аралашувлардагига нисбатан бир неча маротабага юқори бўлиб қолмоқда»². Семизлик бир қатор жиддий терапевтик касалликлар ривожланиши билан кечиб, юрак-қон томир ва нафас тизимлари фаолиятини тез-тез бузилишларида ҳамда қон ивиши физиологиясини бузилишида намоён бўлади, бу эса тромбоемболик асоратлар (ТЭА) ва ўлим ҳолатларининг асосий сабабчилари ҳисобланади. Шу муносабат билан, қон ивиш ва ивишга қарши тизимларни ҳисобга олган ҳолда, тошли холециститга чалинган семиз беморларни олиб бориш тактикасини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда ўткир холецистит оғирлик даражаси билан ЎП яллиғланиши ва лаборатор маълумотлар ўртасидаги корреляцияни аниқлаш бўйича популяцион статистик тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда, ўт пуфаги яллиғланишининг гистопатологик оғирлигини ва ўт тошларидаги калций билирубинат микдорининг холецистит оғирлик даражасига таъсирини аниқлаш бўйича Токио тавсияларининг аҳамиятини баҳолаш учун ҳамда кўп ўлчовли логистик регрессияли таҳлил ёрдамида холецистэктомияни бажариш учун идеал вақтни аниқлаш бўйича кўп марказли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичида жигар ва ўт йўллари касалликларини ташхислаш ва

¹E S, Srikanth MS, Shreyas A, Desai S, Mehdi S, Suman, Krishna KL. Recent advances, novel targets and treatments for cholelithiasis; a narrative review. Eur J Pharmacol. 2021 Oct 5;908:174376.

²Fugazzola P, et al. Prediction of morbidity and mortality after early cholecystectomy for acute calculous cholecystitis: results of the S.P.Ri.M.A.C.C. study. World J Emerg Surg. 2023 Mar 18(1):20.

даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, семизлик фонида ўткир холециститда даволаш-диагностика тактикасини оптималлаштириш, шунингдек, такомиллаштирилган жарроҳлик тактикасини жорий этиш ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли абдоминал хирургиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЎТК кўп учрайдиган клиник муаммо ҳисобланади. Касалликнинг клиник намоён бўлиши асоратсиз кечишдан то режали ёки шошилиш даволашни талаб этувчи оғриқларнинг такрорланувчи ҳужжатларига ўзгариб туради. Ўткир холецистит (ЎХ) ўт-тош касаллигининг энг кўп учрайдиган асорати бўлиб, унга ўт йўллари касалликлари юзасидан касалхонага ётқизилган беморларнинг 20 фоизи чалинган бўлади. Давом этувчи ЎХ ни даволашнинг оптимал вақтини аниқлаш бўйича ўтказилган бир неча тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биринчи ҳафта давомида бажарилган эртанги лапараскопик холецистэктомия (ЛХЭ), умумий касалланишни пасайтиради ва даволаш давомийлигини қисқартиради⁴. ЎТХ ни даволаш бўйича жарроҳлик усуллари аресналида анъанавий ХЭ билан бирга камжароҳатли ташриҳлар – мини-кириш орқали ХЭ ва ЛХЭ кенг қўлланилишни бошлаган, чунки улар янги талабларга тўлиқ жавоб беради⁵. Бироқ, ЎТХ ни жарроҳлик даволаш натижалари охиригача қониқарли деб топилмаган, ва бунинг сабабларидан бири, ташриҳдан

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

⁴Lindqvist L, Andersson A, Österberg J, Sandblom G. The Impact of Hospital Level of Care on the Management of Acute Cholecystitis: a Population-Based Study. J Gastrointest Surg. 2022 Dec;26(12):2551-2558.

⁵Шмаков Д.А. Щербатых А.В., Соколова С.В. и др. Дифференцированный подход к выбору оперативного доступа при калькулезном холецистите //Сибирское медицинское обозрение. -2020 (1): 66-72.

кейинги асоратлар ва ўлим сонининг юқори частотаси⁶. Лапароскопик холецистэктомия очик ташриҳдан кўра кўплаб афзалликларга эга. Аммо, бунга қарамасдан, лапароскопик усулда ўт йўллари интраоперацион шикастланиш частотаси анча юқори⁷. Охириги ўн йилликларда роботлаштирилган холецистэктомияни сезиларли ўсиши кузатилмоқда. Аммо, шунга қарамай, ушбу амалиёт самараси далилларининг расмий баҳолаш ноаниқ бўлиб қолмоқда ва у бўйича рандомизацияланган назорат қилинувчи тадқиқотлар ханузгача ўтказилмаган⁸.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ортиқча вазн ва семизлик бир йилда 1,2 миллион ўлимнинг сабаби бўлмоқда ва бу кўрсаткич Европадаги барча ўлимларнинг 13 фоиздан ортиғини ташкил қилади. 1975 йилда фақатгина 40% балоғатга етган европаликлар ортиқча вазнга эга бўлганлар. Шундан бери балоғатга етган аҳоли ўртасида семизликни тарқалиши 138 фоизга ортган, 2006-2016 йиллар даврида эса 21 фоизга ортган. Шу муносабат билан, ЖССТ семизликни янги сурункали ноинфекцион “эпидемия” деб тан олган. Семиз инсонлар орасида, тана вазни меъёрида бўлган инсонлардан фарқли ўлароқ, тошли холецистит кўп ҳолатларда учрайди⁹. ЖССТ маълумотларига асосан, семизлик 2-даражали қандли диабет касаллигини ривожланишининг 44-57% ҳолатларини, ЮИКнинг – 17-23% ҳолатларни, ЎТК нинг – 30% ҳолатларни, артериал гипертензиянинг – 17% ҳолатларни олдиндан белгилайди (ВНО, 2020), шунингдек, репродуктив функцияни бузилишига олиб келади ва саратон касалликларини ривожланиш ҳавфини оширади. Умуман олганда, семизлик юрак-томир соҳасидаги ўлим ҳавфи сонини 4 баробарга, ва саратон касалликлар натижасида ўлимлар сонини 2 баробарга оширади¹⁰. Семизлик ва ЎТК частотасини ўсиши замонавий инсоннинг барқарор энергетик дисбаланси сабабли юзага келган¹¹. Семиз инсонлар орасида, тана вазни меъёрида бўлган инсонлардан фарқли ўлароқ, тошли холецистит кўпроқ ҳолатларда учрайди. Оператив аралашувлар қоннинг ивиш тизимидаги ўзгаришларга олиб келади, бироқ ушбу масала бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи ташриҳдан кейин қоннинг ивиш хусусиятлари пасайишини қайд этган бўлса, муаллифларнинг бошқа гуруҳи, жарроҳлик аралашувлардан кейин қоннинг ивиш фаоллигини ошганини таъкидлайдилар. Охириги йилларда кўп сонли тадқиқотчилар ва

⁶Littlefield A., Lenahan C. Cholelithiasis: Presentation and Management //Journal of Midwifery & Women’s Health. -2019. -Vol. 64. – № 3. -P. 289-297.

⁷Timerbulatov MV, Grishina EE, Aitova LR, Aziev MM. Sovremennye printsipy bezopasnosti pri vypolnenii laparoskopicheskoi kholetsistektomii [Modern principles of safety in laparoscopic cholecystectomy]. Khirurgiia (Mosk). 2022;(12):104-108. Russian. doi: 10.17116/hirurgia2022121104.

⁸Straatman J, Pucher PH, Knight BC, Carter NC. Systematic review: robot-assisted versus conventional laparoscopic multiport cholecystectomy. J Robot Surg. 2023 Oct;17(5):1967-1977. d 10.1007/s11701-023-01662-3.

⁹Аймагамбетов М.Ж., Абдурахманов С.Т., Булегенов Т.А. и др. Особенности диагностики и хирургического лечения острого деструктивного калькулезного холецистита у больных с избыточной массой тела и с ожирением. Обзор литературы //Наука и Здравоохранение. -2019. 3 (т.21). С.54-67.

¹⁰Molinero N., Ruiz L., Sánchez B., Margolles A., Delgado S. Intestinal Bacteria Interplay with Bile and Cholesterol Metabolism: Implications on Host Physiology //Frontiers in Physiology. - 2019. - Vol. 10. - P. 185.

¹¹Park Y., Kim D., Lee J.S. et al. Association between diet and gallstones of cholesterol and pigment among patients with cholecystectomy: a case control study in Korea J. Health popul. Nutr. -2017. –Vol. 36. №1. -39.

амалиёт шифокорларининг тобора ўсаётган эътибори қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимининг муаммоларига қаратилган. Бу кўп жиҳатдан, семизлиги бўлмаган беморлардан фарқли ўларок, семиз беморларда, айниқса ЎХ фонида, ташриҳдан кейинги даврда ТЭА рўй бериш ҳолатларини кўпайиши билан боғлиқ¹². Ўпка артерияларининг тромбоемболияси (ЎАТЭ) – шошилинич чораларни талаб этувчи жиддий ургент асорат бўлиб, у ҳар йили ҳар 100 минг аҳолидан 100-200-нафаридида ташхисланади, шунингдек юқори леталлик ва ногиронликка олиб келади¹³. Аксарият ҳолларда эмболия оёқлар чуқур веналарининг тромбози оқибатида юзага келади. Патологоанатомик тадқиқотлар маълумотларига кўра ЎАТЭ 50-80 фоиз ҳолларда аниқланмаган бўлиб қолмоқда. 20% ҳолатлар ўлим билан якунланади, буни устига, улардан ярмидан кўпроқ ҳолатларда ўлим касаллик пайдо бўлганидан сўнг 2 соат давомида содир бўлади. Учдан бир ҳолатларда барча тўсатдан ўлимнинг сабаби бўлади. Даволанмаган беморлар орасида ўлим 30-40% ни, ўз вақтида даволанишни бошлаганларда эса 8-10% ни ташкил қилади. Антикоагулянт терапия ЎАТЭ га чалинган беморларни даволашнинг ажралмас компоненти бўлиб, буни антикоагулянтлар дозасини танлашда инобатга олиш муҳимдир¹⁴.

Ўткир холециститни жарроҳлик даволаш муаммоларига бағишланган жаҳон адабиёти таҳлили жарроҳлик тактикасига бўлган ягона ёндашувни мавжуд эмаслигини, аралашувлар турлари, уларнинг бажарилиш муддатлари ва босқичлари борасида яқдиллик йўқлигини кўрсатди. Семизлик муаммосига ва ТЭА ни профилактикаси билан боғлиқ тадбирларга етарлича эътибор қаратилмаган. Айниқса, ўткир тошли холецистит билан касалланган беморларда, семизлик фонида, қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимларини комплекс баҳолаш ўтказилган тадқиқотлар мавжуд эмас. Ҳозирги кунда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимларини ҳисобга олган ҳолда семизлик фонидаги ЎТХ да тактик-техник ёндашувларни қамраб олувчи даволаш-ташхисот алгоритмлари мавжуд эмас ва шунга мос равишда жарроҳлик даволаш натижалари ўрганилмаганлиги сабабли ушбу масала кейинги тадқиқотларни ва янги ишланмаларни жорий этилишини талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Инсоннинг жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2021-2024 й.).

¹²Augustin T., Moslim M.A., Brethauer S. Et al. Obesity and its implications for morbidity and mortality after cholecystectomy: A matched NSQIP analysis //Am J Surg. -2017. №213(3). P.539-543.

¹³Панченко Е.П. Диагностика и лечение тромбоемболии легочной артерии. Клинические рекомендации Евразийской ассоциации кардиологов для практических врачей (2021) //Евразийский кардиологический журнал. -2021. (1): 44-57.

¹⁴Konstantinides S.V., Meyer G., Becattini C. et al. 2019 ESC Guidelines for the diagnosis and management of acute pulmonary embolism developed in collaboration with the European Respiratory Society (ERS): The Task Force for the diagnosis and management of acute pulmonary embolism of the European Society of Cardiology (ESC) //European Heart Journal. -2020;41(4):543-603.

Тадқиқотнинг мақсади қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини инобатга олган ҳолда хирургик тактикани оптималлаштириш орқали семизлик фонидаги ўткир тошли холециститни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир тошли холециститда семизлик фонида касалликнинг айрим типологик хусусиятларини, шунингдек ташриҳдан кейинги асоратлар ва ўлим частотасини аниқлаш;

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда оператив аралашувлардан аввал ва кейин қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини тадқиқ қилиш;

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини инобатга олган ҳолда хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи ташхисот-даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститни хирургик даволашнинг яқин муддатли натижаларини қиёсий баҳолаш ва тромбоэмболик асоратларни олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2021 йилларда РШТЁИМ Андижон филиалининг биринчи ва иккинчи жарроҳлик бўлимларида турли ҳил оператив аралашувлар ўтказилган семизлик фонида ўткир тошли холециститга чалинган 1033 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини инобатга олган ҳамда такомиллаштирилган даволаш-диагностика алгоритми ва миникиришдан холецистэктомия қилиш усулини қўллаган ҳолда хирургик даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

семизлик фонида ўткир тошли холециститнинг типологик хусусиятлари ҳамда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими бузилишининг предикторлари аниқланган, ўт йўлларидаги турли ҳил даражадаги сурункали жараёнларда қон айланиш тизимида рўй берадиган патогенетик механизмларга аниқлик киритилган;

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда қоннинг ивиш тизимининг, ивишга қарши тизимидан фарқли ўлароқ, фаоллашиши рўй бериши, бу эса ташриҳдан кейинги даврда (5-7-кун) тромбоэмболик асоратларни вужудга келишининг сабаби эканлиги ҳамда специфик ва носпецифик профилактик шошилиш чораларни кўрилишини талаб этиши аниқланган;

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда фибриноген ва проконвертин концентрациясининг ҳамда тромбоцитлар сонининг ортишини инобатга олувчи, беморларнинг мазкур тоифасида хирургик тактикани оптималлаштириш имконини яратган такомиллаштирилган даволаш-ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган;

қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимларининг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда хирургик даволаш усулини танлашга бўлган детерминацияланган ёндашув, беморларнинг асосий гуруҳида таққослаш гуруҳига нисбатан, ятроген асоратлар частотасини 14,1 фоизга, ташриҳдан кейинги асоратларни 13,7 фоизга, йирингли-септик асоратларни 5,1 фоизга, ўлим ҳолатини 2,8 фоизга, шунингдек релепаротомияларни 3,9 фоизга, ҳамда конверсияларни 2,3 фоизга пасайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

семизлик фонидagi ўткир тошли холециститни даволашда анъанавий ёндашувлар қўлланилганида интраоперацион асоратларнинг юқорирак частотаси кузатилиши аниқланган;

семизлик фонидagi ўткир тошли холециститда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда клиник амалиётга жорий этилган даволаш-ташхисот алгоритмлари асосида хирургик тактика такомиллаштирилган;

кичик кириш орқали холецистэктомияни бажариш усулини жорий этилиши семизлик фонида ташриҳ самарадорлигини оширилишини таъминланганлиги, шунингдек жароҳатлиликни камайтиргани, чандиқлар косметиклигини яхшилагани ва ташриҳ давомийлигини қисқартирганлиги аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар аҳволини баҳолашнинг объектив мезонларидан фойдаланилганлиги, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усуллари қўлланилганлиги, услубий ёндашувлардан тўғри фойдаланилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар назарий аҳамиятга эга бўлиб, семизлик фонидagi ўткир тошли холециститга чалинган беморларда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини ўрганишга муҳим ҳисса қўшганлиги, бу эса ташриҳдан кейин эртанги асоратлар ва ўлим частотасини пасайтириш имконини берувчи ташриҳларнинг такомиллаштирилган усуллари ва техник услубларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда ташриҳдан олдинги тайёргарликка ва ташриҳдан кейин беморларни парваришлашга тузатишларни киритиш ҳисобига хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти семизлик фонидagi ўткир тошли холециститга чалинган беморларда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини фаоллаштиришни инобатга олувчи таклиф этилган алгоритмни жорий этилиши, ташриҳларнинг такомиллаштирилган усуллари ва техник услубларини қўлланилиши, хирургик даволаш натижаларини яхшилаш, ятроген шикастлар частотасини пасайтириш, ташриҳдан кейинги асоратлар ва ўлим, релепаротомия ва конверсиялар частоталарини камайтирувчи хирургик тактикани оптималлаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 06/3-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 2 февралдаги 06/39-сон хати тақдим этилган):

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститнинг типологик хусусиятлари ва қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими бузилишининг предикторлари аниқланган, ўт йўлларидаги ҳар қил даражадаги оғирликдаги сурункали жараёнларда қон айланиш тизимида рўй берадиган патогенетик механизмларга аниқликлар киритилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Семизлик фонида ўткир тошли холециститни хирургик даволаш тактикасини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма РШТЁИМ Андижон филиали бўйича буйруқ (14.03.2023 й.; №131) ва РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (21.03.2023 й.; №124) билан клиник бўлимлар амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Семизлик фонидаги ўткир тошли холециститни хирургик даволашда унинг типологик хусусиятларини ҳамда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими бузилишининг предикторларини инобатга олиш асоратлар частотасини камайтиради ва беморлар хаёт сифатини яхшилайти. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қон айланиш тизимида рўй берадиган патогенетик механизмлар бузилиши ва қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими бузилишининг предикторлари аниқланиб, улар профилактика қилинганда 1 нафар беморнинг шифохонада қолиш муддати ўртача 10,8 кундан 5,4 кунгача қисқариб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 999 минг сўмга камайган; шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган. Хулоса: қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими бузилишининг предикторлари аниқланиб амалиётга жорий қилиниши билан ётоқ-ўрин айланмасининг ҳисобига ҳаражат камайишидан бир нафар бемор учун 999 минг сўмни, тадбиқ кўлами бўйича ўртача (579 бемор) 578 млн. 421 минг сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда қоннинг ивишга қарши тизимидан фарқли ўлароқ, ивиш тизимининг фаоллашиши ва бу эса ташриҳдан кейинги даврда тромбоэмболик асоратларни вужудга келишининг сабаби эканлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Семизлик фонида ўткир тошли холециститни хирургик даволаш тактикасини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма РШТЁИМ Андижон филиали бўйича буйруқ (14.03.2023 й.; №131) ва РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (21.03.2023 й.; №124) билан клиник бўлимлар амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда қоннинг ивиш тизими фаоллашишида специфик ва носпецифик профилактик шошилиш чораларни қўлланилиши тромбоэмболик асоратларни олдини олишни имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги

қуйидагилардан иборат: ташрихидан кейинги даврда қоннинг ивишга қарши махсус ва номахсус профилактика чоралари ҳисобига тромбоемболик асоратларни олдини олиш ва даволашга сарфланган ҳаражатларнинг пасайиши ҳисобига 1 нафар бемор учун (прейскурант бўйича 1 кунлик ётоқ ўрин 185 минг сўм) 999 минг сўм пул тежалишига имкон берган. Хулоса: ташрихидан кейинги асоратларни олдини олишга сарфланган материаллар ва дори воситаларини қисқартириш ҳисобига бир нафар бемор учун 1 ойда 29 млн. 970 минг сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

семизлик фонидаги ўткир тошли холециститда фибриноген ва проконвертин концентрациясининг ҳамда тромбоцитлар сонининг ортишини инобатга олувчи, беморларнинг мазкур тоифасида хирургик тактикани оптималлаштириш имконини яратган такомиллаштирилган даволаш-ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Семизлик фонида ўткир тошли холециститни хирургик даволаш тактикасини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма РШТЁИМ Андижон филиали бўйича буйруқ (14.03.2023 й.; №131) ва РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (21.03.2023 й.; №124) билан клиник бўлимлар амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Семизлик фонидаги ўткир тошли холецистит бор беморларда қонининг ивиш ва ивишга қарши тизими кўрсаткичлари ҳолатини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган даволаш-диагностик алгоритм, шунингдек мини-киришдан холецистэктомия усули хирургик тактикани оптималлаштириш имконини яратади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: даволаш-диагностик алгоритм, шунингдек мини-киришдан холецистэктомия усулини жорий қилинишида 1 нафар беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 10,8 кундан 5,4 кунгача қисқартириши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган. Хулоса: даволаш-диагностик алгоритм, шунингдек мини-киришдан холецистэктомия усули ётоқ-ўрин айланмасининг ошиши ҳисобига ҳаражат камайишидан 999 минг сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимининг кўрсаткичларига қараб жарроҳлик даволаш усулини танлашга бўлган детерминацияланган ёндашув, беморларнинг асосий гуруҳидаги ятроген асоратлар частотасини пасайтириши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Семизлик фонида ўткир тошли холециститни хирургик даволаш тактикасини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма РШТЁИМ Андижон филиали бўйича буйруқ (14.03.2023 й.; №131) ва РШТЁИМ Наманган филиали бўйича буйруқ (21.03.2023 й.; №124) билан клиник бўлимлар амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Семизлик фонидаги ўткир тошли холецистит бор беморларда қонининг ивиш ва ивишга қарши тизими кўрсаткичлари ҳолатини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган даволаш-диагностик алгоритм, шунингдек мини-киришдан холецистэктомия усули хирургик тактикани оптималлаштириш имконини яратади. Илмий янгиликнинг иқтисодий

самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Асоратлар частотасининг пасайиши ҳисобига 1 нафар бемор учун сарфланган материаллар ва дори воситаларининг камайиши ҳисобига 1 млн. 450 минг сўм иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: ташрихдан кейинги ятроген асоратлар, жарроҳлик аралашуви билан боғлиқ бўлган ташрихдан кейинги асоратлар ва бошқа асоратларни олдини олиш орқали сарфланган материаллар ва дори воситаларини қисқартириш ҳисобига бир нафар бемор учун 1 ойда 43 млн. 500 минг сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижалари апробацияси ва чоп этилганлиги, диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир тошли холециститни жарроҳлик даволаш муаммоларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, эпидемиология муаммолари ва ЎТХ-да тиббий-ижтимоий жиҳатлар, семизлик эпидемиологияси ва ўт-тош касаллиги, тромбозмолик асоратлар ва уларнинг қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизими билан ўзаро алоқаси, ҳамда жарроҳлик даволаш усуллари танлаш муаммосининг ҳозирги ҳолатига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Беморларнинг клиник тавсифи қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланиб, унда тадқиқотнинг асосий йўналишларига оид маълумотлар келтирилган, бу ерда семизлик фонида ўткир тошли холециститга чалинган ва 2020-2021 йилларда РШТЎИМ АФ биринчи ва иккинчи жарроҳлик бўлимларда ҳар хил турдаги жарроҳлик ташрихлари ўтказилган 1033 нафар беморлар (34,7 %) тадқиқот асосини ташкил этган.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқ, биз томонимиздан тадқиқ қилинган семизлик фонидagi ЎТХ-нинг турли шаклларига чалинган 1033 нафар беморлар иккита шартли гуруҳларга ажратилган:

- қиёслаш гуруҳи (2020 й.) – 454-нафар (43,9%) семизлик фонидagi ЎТХ-ли беморлар. Бу гуруҳда жарроҳлик тактикаси (даволаш-диагностика дастури, жарроҳлик аралашувлар усуллари танлаш, ташриҳдан олдинги тайёргарлик ва ташриҳдан кейинги парваришлаш) умумқабул қилинган тамойилларга асосланган бўлган;

- асосий гуруҳ (2021 й.) -579-нафар (56,1%) семизлик фонидagi ЎТХ-ли беморлар. Бу гуруҳда жарроҳлик тактикаси такомиллаштирилган даволаш-диагностик алгоритмларга, жарроҳлик аралашувлар усуллари, ташриҳдан олдинги тайёргарлик ва ташриҳдан кейинги парваришлашни қоннинг қуюлтирувчи ва қуюлишга қарши тизими ҳисобга олиб танлашга асосланган (проспектив тадқиқот).

Семизлик фонидagi ЎТХ-ли беморларни ёши бўйича тақсимланиши ССЖТ Халқаро ёш классификацияси бўйича амалга оширилган (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларининг ёши бўйича тақсимланиши

Ёши	Беморлар гуруҳлари				Жами (n=1033)		
	Қиёслаш (n=454)		p	Асосий (n=579)		абс	%
	абс	%		абс	%		
19-44	82	18,1	0,996	95	16,4	177	17,1
45-59	295	65,0		400	69,1	695	67,3
60 ва >	77	17,0		84	14,5	161	15,6
Жами	454	100		579	100	1033	100

Семизлик фонидagi ЎТХ 45-59 ёшдаги беморларда энг кўп ҳолатларда ташҳисланган. Ушбу контингентни (84,4%) аҳолининг энг меҳнатга қобилиятли қисми ташкил этган. Ўсмирлик ва балоғатга етган ёшдаги беморларда – (19-44 ёш) – ушбу касаллик 177 (17,1%) ҳолатларда учраган, ва ушбу кўрсаткич соғлиқни сақлаш тизимини огоҳ этиши шарт. Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолат ёш авлоднинг пассив турмуш тарзи ва тез овқатланиш озиқ-овқатларини (фастфуд) истеъмол қилиши билан боғлиқ. Кекса беморлар ўртасида семизлик фонидagi ЎТХ – 161-нафарида (15,6%) кузатилган, ва буни республикамиз аҳолисининг ҳаёт давомийлигини ўсиши билан изоҳлаш мумкин. Бирок, ушбу кўрсаткич, ҳамроҳ терапевтик патологияларнинг юфори частотаси туфайли, даволаш натижалари жиҳатидан ўз ичига катта ҳавфни олганга ўхшайди.

Семизлик фонидagi ЎТХ-ли беморларнинг асосий ва қиёслаш гуруҳларида эркаклар атиги 210 нафарни (20,3%) ташкил қилганлиги аниқланди, қолган 823-нафари аёллар бўлган (79,7%), яъни, эркаклар ва аёллар нисбати 1:4 ташкил қилган.

Семизликнинг 1-чи даражаси 74-нафар беморларда қайд этилган (7,2%). Семизликнинг иккинчи даражаси билан беморларнинг сони энг кўп бўлган – 775-нафар (75,0%). Учинчи даражали семизлик билан беморлар сони – 184-нафарни ташкил қилган (17,8%) (2-жадвал).

Беморларни семизлик даражаси бўйича тақсимланиши

Семизлик даражаси	Беморлар гуруҳлари				Жами (n=1033)		
	Қиёслаш (n=454)		p	Асосий (n=579)		абс	%
	абс	%		абс	%		
Биринчи	44	9,7	0,98	30	5,2	74	7,2
Иккинчи	323	71,1		452	78,1	775	75,0
Учинчи	87	19,2		97	16,8	184	17,8
Жами	454	100		579	100	1033	100

Семизлик фонидаги ЎТХ билан касалхонага ётқизиш пайтига бўлган анамнез давомийлиги, 256-нафар беморларда (62,8 %) 6 ойгача муддатни ташкил қилган, 6 ойдан 1 йилгача- 45-нафарида (11,1%), 1 йилдан 5 йилгача- 65-нафарида (16,0%), 6 йилдан 10 йилгача – 22-нафарида (5,4%), ва 10 йилдан ортиқ – 19-нафар (4,7%) беморларда. Семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморларнинг асосий контингентини, касаллик давомийлиги 6 ойдан 1 йилгача бўлган беморлар ташкил қилган – 301 нафар (73,9%).

Ташриҳ қилинган семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморларнинг умумий сонидан (407), биринчи хуружда 165-нафарига ташриҳ қилинган (40,5%), иккинчи хуружда– 103-нафарига (25,3%), учинчида– 75-нафарига (18,4%), ва 3 мартадан ортиқ хуружларда– 64-нафарига (15,7%). Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморларнинг асосий контингентига касалликнинг биринчи ва иккинчи хуружида ташриҳ қилинган, уларнинг сони 268-нафарни ташкил қилган (65,8%).

Семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморларнинг 178-нафарига (17,2%) стационарга ётқизишлигининг биринчи суткасида ташриҳ ўтказилган. Улардан 73-нафари (16,1%) қиёслаш гуруҳи ва 105-нафари (18,1%) асосий гуруҳ беморлари бўлган.

Ташриҳ қилинган беморларнинг аксарияти ётқизишлишдан кейин 2-5 суткага тўғри келган – 662-нафар (64,1%). Улардан 288-нафари (63,5%) қиёслаш гуруҳи, ва 374-нафари асосий гуруҳ беморлари (64,6%). Ётқишидан кейинги 5 суткадан ортиқ ўтгач ташриҳ қилинган беморлар сони 193-ни (18,6%) ташкил қилган. Улардан 93-нафар (20,4%) қиёслаш гуруҳи ва 100-нафари (17,3%) – асосий гуруҳ беморлари (3-жадвал).

ЎТХ-ли беморларни стационарга ётқизилганидан кейин ташриҳ қилиш муддатларига кўра тақсимланиши

Ташриҳ муддати	Беморлар гуруҳлари				Жами (n=1033)		
	Қиёслаш (n=454)		p	Асосий (n=579)		абс	%
	абс	%		абс	%		
Биринчи сутка	73	16,1	0,996	105	18,1	178	17,2
2-5 сутка	288	63,4		374	64,6	662	64,1
5 суткадан кейин	93	20,5		100	17,3	193	18,7
Жами	454	100		579	100	1033	100

ЎТХ-нинг катарал шакли 163-нафар беморларда ташҳисланган (15,7%), флегмоноз шакли– 661-нафарида (63,9%). Гангреноз шакл 209-нафар (20,2%) беморларда ташҳисланган бўлсада, яллиғланишнинг айнан ушбу шакли ўт перитонити кўринишлари билан кечиб даволаш башоратларини ёмонлаштирган. Клиник материални таҳлили семизлик фонидаги ЎТХ декструктив шакллариининг юқори солиштирма оғрилигини қайд этиш имконини берган.

Семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморларни тадқиқ қилиш, уларнинг асосий контингенти, яъни 970-нафари (93,9%) юрак-томир каслликлари ва қандли диабетга чалинганлигини, ҳамда улардан 368-нафарида (35,6%) юрак-томир патологиясини қандли диабет билан бирикмасини мавжудлигини кўрсатган. Семизлик фонидаги ЎТХ-да ташриҳдан кейинги ТЭА-ни ривожланишининг мўътадил ҳавфи 876-нафар (93,3%) беморларда аниқланган. Шу билан бирга, семизлик фонидаги ЎТХ-да ташриҳдан кейинги ТЭА-ни ривожланишининг юқори ҳавфи 157-нафар (6,7%) беморларда қайд этилган. Ушбу ҳолат биз томонимиздан беморларнинг асосий гуруҳида инобатга олинган.

Диссертациянинг **«Семизлик фонидаги ўткир калькулёзли холециститга чалинган беморларда қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимининг хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида, соғлом инсонлар ва семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморлар қонининг қуюлтирувчи ва қуюлишга қарши тизимини тадқиқотиға бўлган тизимли ёндашув тақдим этилган.

Қуюлтирувчи фаолликни таърифлаш учун биз қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаландик: қон қуюлишини вақти, плазманинг гепаринга бўлган толерантлиги, фибриноген, тромботест, протромбин, проакцелерин (V-омил), проконвертин (VII - омил), қуйқа ретракциялари, тромбоцитлар, қон зардобидаги кальций, қон кетишини вақти. Қоннинг қуюлишга қарши тизимининг характерини, фибринолитик фаоллик ва гепарин вақти- қондаги эркин гепарин миқдори белгилаган.

Қоннинг қуюлтирувчи ва қуюлишга қарши тизимининг ҳолатини аниқлаш, ҳамда олинган натижаларнинг ишончилиги учун, тадқиқот ЎТХ-нинг декструктив шаклларида ўтказилган. Қоннинг қуюлтирувчи ва қуюлишга қарши тизими ташриҳдан аввал, ташриҳ пайтида, ҳамда т холецистэктомиядан кейинги 2-3-қунида; 5-7-қунида ва 9-14-қунида тадқиқ қилинган.

Семизлик фонидаги ЎТХ декструктив шакллариға чалинган беморларда қоннинг қуюлтирувчи ва қуюлишга қарши тизимини тадқиқ қилиш натижалари, соғлом инсонларға нисбатан, қуюлиш вақти ва рекальцификация вақти синови бўйича қоннинг умумқуюлтирувчи фаоллиги қисқартирилган бўлганлигини ва тегишлича 214 ± 5 сек. ва 84 ± 5 сек.-ни ташкил қилганлигини кўрсатган. Плазманинг гепаринга бўлган толерантлиги баянлашган бўлиб, ўртача $452 \pm$ сек.-ни тақ қилган. Демак, семизлик фонидаги ЎТХ-ли касаллар қонининг умумий қуюлтирувчи фаоллиги анча юқорилашган. Фибриноген

миқдори меъёрдан 1,5 баробардан ортиқ бўлган. Унинг ўртача қийматлари 447 ± 20 мг % ташкил этган, (меъёр $261 \pm 7,1$ мг %). Проконвертинни (VII) ўртача $83,5 \pm 2\%$ -гача, ва тромбоцитлар сонини ўртача $253,000 \pm 6,100$ -гача ишончли кўтарилиши кузатилган. 24-нафар беморларда тромботест юкорилашган (7 даража), 37-нафарида меъёр доирасида бўлган (4-6 даража). Семизлик фонидаги ЎТХ-ли касаллар қонининг қуюлишга қарши (гепаринли) ва фибринолитик фаоллиги пасайган. Ушбу кўрсаткичлар, тегишлича $3,8 \pm 0,3$ ед/мл ва $10,2 \pm 0,3\%$ -ни ташкил қилган (4-жадвал).

4-жадвал

Семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморлар ва соғлом инсонлар қонининг ивиш ва ивишга қарши тизимининг ҳолати

Синов номи	Соғломлар (n-M ± m)	Касаллар (n-M ± m)	P
Қуюлиш вақти (сек.)	362 ± 9	214 ± 5	$p < 0,001$
Плазманинг гепаринга бўлган толерантлиги (сек.)	638 ± 30	452 ± 15	$p < 0,001$
Рекальцификация вақти (сек.)	$105 \pm 2,5$	$8,4 \pm 5$	$p < 0,01$
Гепарин вақти (сек.)	59 ± 2	$60 \pm 2,4$	$p > 0,05$
Фибриноген (мг/%)	$261 \pm 7,1$	447 ± 20	$p < 0,001$
Протромбин (%)	$90 \pm 2,3$	$94,6 \pm 1,4$	$p > 0,05$
Проакцелерин (%)	$102,3 \pm 1,3$	101 ± 1	$p > 0,05$
Проконвертин (%)	$76 \pm 2,3$	$83,5 \pm 2$	$p < 0,01$
Қуйқа ретракцияси (%)	$38,9 \pm 0,75$	$40,3 \pm 0,7$	$p > 0,05$
Қон кетиш вақти (сек.)	$112 \pm 7,4$	102 ± 4	$p > 0,05$
Эркин гепарин (ед/мл)	$6,6 \pm 0,26$	$3,8 \pm 0,3$	$p < 0,001$
Фибринолитик фаоллик (%)	$14,1 \pm 0,6$	$10,2 \pm 0,3$	$p < 0,001$
Кальций (мг/%)	$10,4 \pm 0,18$	$10,8 \pm 0,2$	$p > 0,05$
Тромботест (даража)	4 - 6	7 - 4	-
Тромбоцитлар (минг)	$203,800 \pm 3,150$	$253,000 \pm 6,100$	$p < 0,001$

Семизлик фонида лапароскопик холецистэктомия. Тадқиқот давомида, қиёслаш гуруҳининг 131-нафар беморларига (28,8 %) ва асосий гуруҳнинг 255-нафарига (44,1 %) семизлик фонидаги ЎТХ-да ЛХЭ бажарилган. Биз томонимиздан семизликнинг 1-даражаси 16-нафар (32,7 %), II-даражаси – 27-нафар (55,0%) ва III-даражаси – 6-нафар (12,3 %) беморларда аниқланган. ЛХЭ бажариш пайтида, қиёслаш гуруҳининг 99-нафар (21,8 %), ва асосий гуруҳнинг 152-нафар беморларида (26,2 %) пуфаколди бириктирма тўқимада ёғ инфильтрациясининг аломатлари аниқланган, тегишлича, 31-нафар (6,8%) ва 103-нафар (17,7%) беморларнинг ўт пуфаги катталашган.

Катта чарви тўқимасини жиддий ривожланиши ЛХЭ ўтказилишининг техник жихатдан мураккабликларига олиб келади, чунки у эндовизуал назорат учун қорин бўшлиғининг фойдали майдонини кичрайтиради ва эндо-

инструментлар билан манипуляция қилиш учун техник қийинчиликларни туғдиради. Шу билан бирга, таранглашган пневмоперитонеум, юрак-томир ва нафас олиш тизими патологияларини мавжудлигида салбий таъсирни ўтказди. Биз алоҳида эътиборимизни тери ости ёғ тўқиманинг қалинлиги, унинг шакли ва олд қорин деворининг эркин экскурсиясига қаратганмиз.

Тери ости ёғ тўқиманинг ифодаланганлигида, игнани киритишни осонлаштириш учун, олд қорин деворини қов устидан қўшимча ушлаш (яъни 3 нуктадан) мақсадга мувофиқроқ бўлади. Манипулятор стандарт нукталари бирдан киритилиб, натижада қоринёғни жойдан жойга кўчириб кўриш майдонини яхшилашга эришилган. Бундай беморларда одатда ЎП-ни кўздан кечириш қийин, шунинг учун ташриҳ столи бош томони 20-25⁰-га кўтарилади ва чапга энгаштирилади.

«Эпигастрал» троакарни қорин бўшлиғига жигар юмалоқ бойламининг чап томонидан киритиш лозим. Кесимлар киндик устидан қилинган тақдирда троакарлар бир бирига яқин жойлашиб ўткир бурчакни ташкил этадилар. Натижада, инструментлар ўт пуфагининг бўйин соҳасида бир бирига дуч келиб ўзаро ҳалакит берадилар. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун, семиз беморларда “умбиликал” кесимни киндикдан пастроқ жойида бажариш самаралироқдир. Семизлик фонида ЎП-ни жигар тўқимасидан ажратиб олишда унинг ўринидигидан, ёғ инфильтрацияси туфайли, ҳар ҳил шиддат билан қон кетиши мумкин. Бунда қўшимча электрокоагуляция ёрдамида фойдаланилган. ЎП “эпигастрал кириш” орқали чиқариб олинган.

Кўрсатилган методикага риоя қилинган ҳолда 49-нафар семизлик фонидаги ЎТХ-ли беморларга ташриҳ ўтказилган. Уларнинг иккитасида (4,1%) биз ЎП қўндоғидан қон кетишини кузатганмиз. Гемостаз электрокоагуляци ёрдамида тикланган. 7-нафар беморларда (14,3%) жароҳат томонидан йирингли-септик асоратлар ривожланган. Асоратларнинг умумий сонидан 1-тасида (2,0%) шташриҳдан кейинги пневмония ташҳисланган.

Семизлик фонида мини-киришдан холецистэктомия. ЎТХ-нинг маҳаллий асоратланган шакллари даволашда (оғир абдоминал сепси ёки септик шок билан асоратланган тарқалган перитонитда эич перивезикал инфильтрат бундан мустасно), катта ўн икки бармоқли ичак холангиолитиази, стенози фонидаги ЎТХ-да, шунингдек ЛХЭ-ни бажариш пайтида техник қийинчиликлар вужудга келганида конверсия сифатида қўлланилади.

Ушбу туйфали биз томонимиздан семизлик фонида мини-киришдан ХЭ бажариш усули ишлаб чиқилиб қўлланилган (рац. таклиф гувоҳномаси №53, 20.02.2023 й.).

Семизлик фонида мини-киришдан холецистэктомия усули қуйидагича бажарилади. Бемор ташриҳ столида тепага қараб ётади, унинг кўкрак қафаси столга нисбатан 35-40 градусга кўтарилган; ташриҳ столи 20-30 градусга чапга бурилади, натижада ички органларни ўт пуфаги проекциясидан силжитиладилар. Ташриҳ жараёни. Мини-кириш учун тери, ўнг қовурға ёйидан 1,5 см пастроқ жойда ва унга параллел равишда 5 см-гача узунлигида

кесилади (пуфак нуқтаси проекциясида), ва бу ердан мини-кесим қориннинг ўнг тўғри мушаги проекциясининг марказидан бошланади. Бундан кейин, қорин тўғри мушаги қинининг олд япроғининг $\frac{1}{2}$ қисми қийшиқ-кўндаланг йўналиш бўйича кесилиб, Фарабеф илгаги ёрдамида медиал тарафга сурилади, кейин эса унинг орқа япроғи $\frac{1}{2}$ қисми кесилади. Қориннинг ташқи қийшиқ мушаги апоневрози ва қориннинг кўндаланг мушаги бир бирдан узоқлаштирилади. Қорин пардаси икки чеккасида Микулич қисқичларига олиниб жароҳатнинг иккала бурчагига қараб кесилади.

Жароҳат ичига ретрактор киритилиб ва ички органларни силжитиб ўт пуфагини аниқ жойлашиши аниқланади. Ўт пуфагининг туби Люер қисқичига олиниб жароҳат ичига бир оз чўзилади. Жароҳат бўшлиғига навбатма-навбат ўрта доқа салфеткалар киритилади. Уларни устидан, жароҳатнинг медиал бурчагида ва қўйи чеккаси томонида, иккита ўрта ректракторлар қўйилади. Ректракторнинг эни 5 см, узунлиги эса 22 см ташкил қилади. Жигарнинг чеккаси Фарабеф илгагининг узун учи орқали сурилади. Кейин, жигар қирғоғидан 4-5 мм чекинган ҳолда ўт пуфаги тубини Люер қисқичи ёрдамида ушлаб олиб пуфакни унинг кўндоғидан субсерозли кесим ёрдамида ажратилади. Чиқариш давомида ЎП кесим даражасидан баландроқ кўтарилади ва ушбу билан унинг дистал бўлимида (яъни, ўт пуфаги йўлининг бўйин соҳасида ва, зарурат бўлганида, холедохда) манипуляция қилиш имконияти осонлашади. Ушбу билан кесимнинг универсаллигига эришилиб, ёғ тўқимасининг очик ифодаланганлигида муҳим аҳамиятга эгадир. Бўйин даражасида, Кало учбурчагига қараб, қисқичга ўт пуфаги артерияси кесиб олинади ва викрил № 1 ёрдамида лигировка қилинади. Ўт пуфагининг йўли холедохдан 5-7 мм узоқлигида кесиб олинади, унинг тўмтоғи викрил № 1 ёрдамида лигировка қилинади. Гемостаз назоратидан сўнг Винслов тешигига дренаж ўрнатилади ва ўнг қовурғаости соҳасидаги алоҳида тешиқ орқали чиқарилади. Ташриҳ жароҳати қаватма-қават тикилади. Терига косметик чоқ қўйилади.

Мини-киришдан ХЭ бажариш бўйича таклиф этилаётган усул семизлик фонида ташриҳнинг самарадорлигини оширилишини таъминлайди, асаб учларини, қориннинг ўнг тўғри ва қийшиқ мушакларини бутлигини сақлаш ҳисобидан ташриҳ жароҳатлилиги пасаяди, қийшиқ-кўндаланг кичик (5 см-гача) кесим яхшироқ косметик самарани беради.

Шундай қилиб, семизлик фонидаги ЎТХ-да мини кириш орқали ХЭ анъанавий ЛХЭ учун альтернатива бўлмаслиги лозим. Ушбу тоифа беморларда ташриҳнинг иккала тури бир бирига рақобатдош эмас, балки улар бир бирини тўлдирадилар. Ва айнан ЎТХ-да мини-киришдан ХЭ усули, сурунқали калькулёзли холециститда ЛХЭ каби, “олтин стандарт” бўлиши мумкин.

Семизлик фонида ЎТХ-да анъанавий (лапаратомик) холецистэктомия, каминвазив методикаларни (ЛХЭ ва мини-киришлардан ХЭ) ўтказиш учун шароит бўлмаган ҳолатларда, шунингдек конверсия сифатида, рўй берган асоратларни бартараф этиш учун, ҳамда, очик аралашувларни ва қорин

бўшлиғини очик парваришлашни талаб қиладиган оғир сепсис ва/ёки септик шок билан кечадиган перитонитнинг тарқалган шакли мавжудлигида ўтказилган. ЛХЭ ёки мини-киришдан ХЭ-ни бажариш пайтида техник қийинчиликлар пайдо бўлганида (ориентировкани йўқотиш, 20-30 дақиқа давомида ташриҳнинг самарали силжишини йўқлиги), ўз вақтида конверсияни бажарилишига ўтиш лозим.

Семизлик фонидаги ЎТХ-да қоннинг ивиш ва ивишга қарши тизимини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик тактикаси. Семизлик фонидаги ЎТХ-да ташриҳолди тайёргарликка биз алоҳида якка тартиблик билан қараганмиз. Комплекс ташриҳолди тайёргарликнинг умумий мақсади: ташҳисланган ҳамроҳ терапевтик касалликларни дори-дармонлар билан даволаш, юрак-ўпка фаолияти ва сув-электролит мувозанати бузилишларини тўғрилаш, шунингдек ташриҳ жароҳати томонидан тромбоэмболик асоратларни олдини олиш.


